



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

B U Y R U G'I

20 22 yil “01” 06

№ 162

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги
ПҚ-240-сон қарори ҳамда Баш вазирнинг 2022 йил 12 майдаги
12/1-1112-сонли топшириги ижросини таъминлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 11 майдаги ПҚ-240-сон қарори ҳамда Баш вазирнинг жорий йил 12 майдаги 12/1-1112-сонли топшириги ижросини таъминлаш мақсадида,

Б У Ю Р А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг жорий йил 12 майдаги 12/1-1112-сонли топшириги билан юборилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 11 майдаги ПҚ-240-сон қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича Назорат режаси ижро ва раҳбарлик учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2022 йил 11 майдаги ПҚ-240-сон қарори ҳамда Баш вазирнинг жорий йил 12 майдаги 12/1-1112-сонли топшириги юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва тизимларида амалга оширилиши лозим бўлган иш Режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мазкур карорга мувофиқ:

давлат ташкилоти фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни (йиллик) баҳолаш ва коррупциявий хавф-хатарлар хариталарини Реестрга киритиш ҳар иили 1 марта қадар амалга оширилиши;

коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш вазирликнинг таркибий тузилмалари раҳбарларини жалб қилган ҳолда коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари томонидан ташкил этилади. Бунда, коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари мавжуд бўлмаган давлат ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш учун уларнинг таркибий бўлинмалари раҳбарларидан иборат ишчи гурухлар ташкил этилиши мумкинлиги;

коррупциявий хавф-хатарларни мустақил баҳолаш мақсадида давлат ташкилотининг фаолияти ушбу ташкилот билан келишилган ҳолда мустақил ташкилот томонидан ташқи баҳолашдан ўтказилиши мумкинлиги. Бунда, тегишли давлат ташкилоти фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қониқарсиз амалга оширилган деб топилган тақдирда, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги кўрсатмасига асосан унинг фаолияти ташқи баҳолашдан ўтказилиши шартлиги:

давлат ташкилотларининг раҳбарлари ўзларига юкланган функцияларда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш учун шахсан жавобгарлиги инобатга олинсин.

4. Вазирликнинг тегишли тузилмалари томонидан режа бандларининг ижроси қатъий назоратга олинсин ҳамда амалга оширилган ишлар бўйича маълумотномалар **хар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 3 санасига қадар** Коррупцияга қарши курашиш агентлигига тақдим қилиш учун Комплаенс, ички аудит ва молиявий назорат хизматига юборилсин.

5. Мазкур буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Вазир

Б.Мусаев



Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни саклаш вазирининг
2022 йил “Он
162-сон буйргига илова

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги ва тизимларида Президентнинг “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги 2022 йил 11 майдаги ПҚ-240-сон карори юзасидан амалга оширилиши юзасидан иш РЕЖАСИ

T/P	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Масъул ижрочи
I. Соғлиқни саклаш тизимида кадрлар билан ишлаш ўйналишида коррупцияга карши курашин механизмларини такомиллаштириш				
1.	<p>Соғлиқни саклаш вазирлиги ва унинг тизимларида кадрлар билан ишлаш ўйналишидаги бюрократик тўсикларни, коррупциявий хавф-хатарлар ва инсон омилини қисқартиришга қаратилган автоматлаштирилган тизимни 2023 йил 1 январига кадар куйидаги талаблар асосида жорий этиш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Вакант лавозимларни килишдан тортиб, танлов ўтказиш ва ишга кабул килиш натижалари бўйича хужожагларни расмийлаштиришгача бўлган жараёнларни тўлиқ электрон тарзда амалга ошириш; - Вакант лавозимларга ишга кабул килиш давлат фуқаролик хизматчилари ягона портал - «vacancy.argos.uz» орқали очик танлов асосида амалга ошириш; 	<p>Соғлиқни саклаш вазирлиги ва унинг тизимларида кадрлар билан ишлаш ўйналишидаги бюрократик тўсикларни, коррупциявий хавф-хатарлар ва инсон омилини қисқартиришга қаратилган автоматлаштирилган тизимни 2023 йил 1 январига кадар куйидаги талаблар асосида жорий этиш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Вакант лавозимларни килишдан тортиб, танлов ўтказиш ва ишга кабул килиш натижалари бўйича хужожагларни расмийлаштиришгача бўлган жараёнларни тўлиқ электрон тарзда амалга ошириш; - Вакант лавозимларга ишга кабул килиш давлат фуқаролик хизматчилари ягона портал - «vacancy.argos.uz» орқали очик танлов асосида амалга ошириш; 	<p>Доимий</p>	<p>Н.Кадиров</p>
	<p>- Таркибий тузилма, штатлар, лавозимлар ва ходимлар тўғрисидаги маълумотларни ягона электрон базага жамланган холда ахборотларни тўплаш ва унга ишлов бериш;</p> <p>- Кадрлар бўйича маълумотларнинг электрон архивини юритиш.</p>	<p>- Тизим ташкилотларниг таркибий тузилмалари, штатлари, лавозимлар ва ходимлар тўғрисидаги маълумотларни</p>	<p>Доимий</p>	<p>Н.Кадиров, А.Хакимов</p>

T/P	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Масъул ижрочи
	<p>Ягона Электрон база Е-KADR Кадрлар ахборот тизими дастурига жамлаш ва ишлов бериш хамда маълумотларни электрон архивини юритиш;</p> <p>- Кадрларга оид иш юритув хужжатларини электрон раками имзо билан тасдиқланган ҳолда факат тизим орқали электрон шаклда кабул килиш ва юритиш;</p>	<p>- ССВнинг расмий сайтида тизимдаги ўрта-тиббиёт ходимлари Мўлжалланган лавозимларга ишга кириш учун хужжат топшириш тизимини такомиллаштириш;</p> <p>- Ходимларнинг иш фаолияти самараదорлигини автоматик баҳолаш ва уларни масоғавий ўқитиш;</p>	2023 йил 1 январь	Н.Кадиров, А.Хакимов
Коррупцияга мойил бўлган муносабатларни бартароф этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури бўйича				
2.	<p>Давлат харидлари жараёнида тендер, танлов ва бошқаларни ўтказишида манфаатлар тўкнашуви ва коррупциявий омилларни мавжудлигини аниклашни ракамлаштириш. Жумладан, харид жараёнида хужжатлар айланнишини автомаглаштириш, “компилаенс-назорат” ўтказишини йўлга кўйиш.</p>	<p>Ташкилий-хукукий чора-тадбирлар</p>	2022 йил сентябрь	Ҳ.Мамадалиев Р.Джуманов А.Хакимов

T/P	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Масъул ижрочи
3.	Соғлиқни саклаш вазирлиги тизимида курилиш ва монтаж ишларини амалга ошириш устидан жамоатчилек назоратини ўрнатиш	Ташкилий-хукукий чоратадбирлар	2022 йил август	Ш.Маматкулов
4.	Соғлиқни саклаш вазирлиги ва унинг тизимлари балансидаги товар模дий бойликларни хатговдан ўтказиш хамда уларни ташкилот балансидан чиқаришининг очик ва шаффоф электрон механизми бўйича олиб борилишини назорат килиш.	Ташкилий-хукукий чоратадбирлар	2022 йил август	Р.Мусаджанов С.Максудов
5.	Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш тизими доирасида хорижий инвесторлар томонидан инвестиция киритиш учун тўсқинлик қилаётган коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлаш.	Ахборот-таҳдилӣ материаллар ва таклифлар	2022 йил июль	Р.Джуманов
6.	Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш тизимини жорий этиш орқали Соғлиқни саклаш вазирлиги тизимида манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарувчи омилларни ўрганиш ва бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлаш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил август	Р.Джуманов
7.	Соғлиқни саклаш тизимида 2021-2022 йилларда содир этилган коррупцияга оид жиноятчиликни тахлил килиш асосида уларга сабаб бўлган омилларни аниқлаш за бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлаш.	Ахборот-таҳдилӣ материаллар ва таклифлар	2022 йил декабрь	Р.Джуманов
8.	Коррупцияга карши курашиш соҳасидаги халкаро хужжатларни ўрганиш хамда заруратга кўра уларнинг нормаларини миллий конунҷиликка имплементация килиш бўйича Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ҳамкорлик килиш.	Ахборот-таҳдилӣ материаллар	Мунтазам равишда	Р.Джуманов
9.	Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш тизимини жорий этиш соҳасидаги илгор хорижий тажрибани ўрганиш максадида ривожланган мамлакатларга ўкув танишув сафарларини ташкил этиш	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил давомида	Р.Джуманов

Т/Р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш Механизми	Муддат	Масъул ижрочи
10.	Соғлиқни саклаш тизимида коррупцияга карши кураш, унинг олдини олиш, зарур бўлган профилактик тадбирлар ўтказиш, коррупцияйи хавф-хатарларни баҳолаш учун масъул ходимларнинг билим ва кўникмаларини ошириш бўйича тренинг ва семинарларни ташкил килиш.	Амалий чора-тадбирлар	Мунтазам равишда	Р.Джуманов
11.	Коррупцияга карши курашиш агентлиги ва Аддия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган Коррупцияйи хавф-хатарларни баҳолаш услубиётига мувофик, Соғлиқни саклаш вазирлигининг ҳар бир функциясини таҳлил килиб бориши.	Амалий чора-тадбирлар	Услубиёт тасдиқлангандан сунг	Р.Джуманов
12.	Соғлиқни саклаш вазирлигининг функциялари ва уларни амалга ошириш механизмлари юзасидан маълумотларни шакллантириб, очик эълон килиш хамда фуқароларнинг таксифларини онлайн тартибида кабул килиш имкониятини яратгандан холда мутахассислар иштирокида мухокама килиш.	Ахборот-тахтилий материаллар ва амалий чора-тадбирлар	Мунтазам равишда	Р.Джуманов
13.	Соғлиқни саклаш вазирлиги фаолиятида коррупцияйи хавф-хатарларни баҳолаш ва уларнинг хариталарини ҳар йилнинг 1 мартаға кадар Реестрга киритиш.	Амалий чора-тадбирлар	Мунтазам равишда	Р.Джуманов

Изоҳ: Тегишли тадбирларга масъул бўлган тузилмалар томонидан ҳар чорак якуни бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотномалар тақдим этилишига алоҳида эътибор қаратилисин.